



15 у.р. "30" апрел

№ 547к

Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман "Қўштамғали" қишлоқ фуқаролар йиғини "Конирил агротехсервис" агрофирмаси худудидан фуқаро Хамдамов Ғайратжонга тиш даволаш биноси (стоматалогия) қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил апрелдаги баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2015 йил 13 мартдаги 25-сонли хулосаси ва фуқаро Хамдамов Ғайратжонни туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда шунинг учун тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил апрелдаги баённомаси ҳамда шунинг учун тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман "Қўштамғали" қишлоқ фуқаролар йиғини "Конирил агротехсервис" агрофирмаси ер харитасининг 876 контуридан фуқаро Хамдамов Ғайратжонга тиш даволаш биноси (стоматалогия) қуриш учун жами 0,02 га (шундан: 0,02 га қурилиши режалаштираётган туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Хамдамов Ғайратжонга тиш даволаш биноси (стоматалогия) бино шартларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 8,40-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш вазирлиги нозират инспекцияси ва нозират инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва солиқнинг 6 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З. Зоҳидов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (У. Очилов)га таъминлансин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини нозират қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров